

HEAR– ЭШИТМОҚ СЕЗГИ ФЕЪЛЛАРИ ЭВИДЕНЦИАЛ МАРКЕРЛАРИ

Ғайбулла Қулмуродович МИРСАНОВ

Филология фанлари доктори, доцент
Самарқанд давлат чет тиллари институти
Самарқанд, Ўзбекистон

Махзуна Ғайратовна ХАМРАЕВА

Мустақил тадқиқотчи
Қарши давлат университети
Қарши, Ўзбекистон.

ЭВИДЕНЦИАЛЬНЫЕ МАРКЕРЫ ГЛАГОЛОВ ВОСПРИЯТИЯ HEAR – ESHITMOQ (СЛЫШАТЬ)

Ғайбулла Қулмуродович МИРСАНОВ

Доктор филологических наук, доцент
Самаркандский государственный институт иностранных языков
Самарканд, Узбекистан

Махзуна Ғайратовна ХАМРАЕВА

Независимый исследователь
Каршинский государственный университет
Карши, Узбекистан.

EVIDENTIAL MARKERS OF THE PERCEPTUAL VERBS HEAR – ESHITMOQ

Gaybulla Kulmurodovich MIRSANOV

Doctor of Philological Sciences, Associate Professor
Samarkand State Institute of Foreign Languages
Samarkand, Uzbekistan gmirsanov@mail.ru

Makhzuna Gayratovna KHAMRAEVA

Independent researcher
Karshi State University
Karshi, Uzbekistan. makhzuna.khamraeva@gmail.com

УДК: 81'362: 81'367.625

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования): Мирсанов Ғ. Қ., Хамраева М.Ғ.
Hear– эшитмоқ сезги феъллари эвиденциал
маркерлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. —
2021. — № 6 (41). — Б. 104-114.

<https://doi.org/10.36078/1643729220>

Received: October 25, 2021

Accepted: December 17, 2021

Published: December 20, 2021

Аннотация. Мазкур мақола инглиз тилидаги эвиденциаллик категориясини семантик доирада ўрганишга бағишланган. Эвиденциал категория ўзбек тилида ҳали таҳлил қилинмаганлиги боис, у мақоланинг объектини ташкил этади. Ушбу категория маълум умумий назарий атамаларнинг семантик функцияси бўлиши билан бир қаторда ана ўша атамаларнинг тилдаги лексик ва грамматик ижросини таъминловчи кенг тарқалган когнитив бирлик эканлиги дунё олимларининг мулоҳазалари орқали ёритиб берилган. Шунингдек, инглиз тилидаги "hear" ҳамда ўзбек тилидаги "эшитмоқ" сезги феълларининг грамматик маркерлари бир-бирига қиёслаб ўрганилгани ҳолда бадиий адабиётлардан олинган матнлар намунасида ёрқин мисоллар билан кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, мақолада эвиденциаллик лисоний ҳодисаси грамматик маркерланган

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

бўлиб, бирор эвиденциал морфема воқеликка алоқадор бўлган бир нечта маълумотни қамраб олганлиги айнан сезги феъллари орқали таҳлил қилинган. Эвиденциаллик тушунчаси бирор маълумотнинг асосини белгилашга хизмат қилиши орқали субъектнинг шахсий кузатиши, яъни бевосита гувоҳлик беришини амалга ошириб, бирор кимсанинг муайян объектни ёхуд воқеликни кўриши орқали, сезги органлари ёрдамида ҳис қилишига нисбатан ишлатилиши ёки маълумот асоси бошқа манбага тегишли бўлиб, билвосита юзага келиши мумкинлиги мақоланинг илмий янгилигини намойён қилади.

Калит сўзлар: эвиденциаллик; эвиденциал маркер; грамматик маркер; сезги феъллари; прагматик маркер.

Аннотация. Статья посвящена изучению категории эвиденциальности в семантическом аспекте. Поскольку эвиденциальная категория еще не проанализирована в узбекском языке, она является объектом статьи. На основе утверждений ученых объясняется, что понятие эвиденциальности является семантической функцией общих теоретических терминов и вместе с тем обозначает широко распространенную когнитивную единицу, обеспечивающую лексическое и грамматическое выражение данных терминов в языке. Также грамматические маркеры глаголов восприятия английского глагола *hear* и узбекского глагола *eshitmoq* сравнительно исследованы и показаны на ярких примерах, взятых из текстов художественной литературы. Кроме того, в данной статье обсуждается лингвистическое явление эвиденциальности, которое характеризуется тем, что определенные эвиденциальные морфемы, представляя собой грамматические маркеры, несут в себе информацию, относящуюся к реальности. В настоящей статье доказано, что, передавая либо информацию, свидетелем которой был субъект на основе личных наблюдений, то есть прямого свидетельства, воспринимающегося органами чувств, либо того или иного факта, основа которого принадлежит другому источнику, понятие эвиденциальности служит для определения основы той или иной реальной информации.

Ключевые слова: эвиденциальность; эвиденциальный маркер; грамматический маркер; глаголы восприятия; прагматический маркер.

Abstract. The provided article is devoted to the study of the category of evidentiality in English in the aspect semantics. Yet, this evidential category has not been analyzed in the Uzbek language, it is considered as an object of the research paper. Based on the statements of world scientists, the above-mentioned category is explained that the concept of evidentiality is a semantic function of general theoretical terms, simultaneously, it denotes a widespread cognitive unit that provides the lexical and grammatical expression of these terms in a language. Furthermore, the grammatical markers of the perceptual verbs like English verb “hear” in English and “eshitmoq” in Uzbek have been comparatively studied and highlighted in the sample of fiction with clear examples. In addition, this article discusses the linguistic phenomenon of evidentiality characterized by the fact that certain evidential morphemes, representing grammatical markers, provide several information related to reality. The concept of evidentiality serves to determine the basic piece of information through the subject's personal observation, that is,

direct testimony. Due to the fact that evidentiality can be used in relation to one's perception of a particular object and reality, perceived by the senses, whether that the information base belongs to another source and arises indirectly or the possibility of an indirect occurrence demonstrates the scientific novelty of the article.

Keywords: evidentiality; evidential marker; grammatical marker; verbs of perception; pragmatic marker.

Кириш. Маълумки, эвиденциаллик лингвистик категория бўлиб, у муайян шахс томонидан муайян объект ёки ҳодиса ҳақида билдирилаётган маълумотни англатади. Яъни сўзловчи томонидан етказилаётган хабар тингловчи томонидан асосий маълумот сифатида қабул қилинади. Бу эса ҳар қардай турдаги маълумотнинг (хоҳ у рост бўлсин ёки ёлғон) эвиденциал хулоса сифатида қабул қилинишига сабаб бўлади (1, 273).

Эвиденциал ифода тилнинг барча сатҳларига хос. Бу борада А. Айхенвалд “Эвиденциаллик ҳар қандай лексик бирлик билан ифодаланиши мумкин, маълумот етказувчи шахс эвиденциалликка оид янги маълумот қўшиши жараёнида барча лисоний воситалардан фойдаланади” (2, 38), деган фикрни илгари суради. Мазкур ёндашув эвиденциалликнинг прагматика билан узвий боғлиқлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, В. Плунгяннинг “Эвиденциаллик лингвистик таркибнинг таъсирчанлиги ҳамда етказилган маълумотни бир характеристикага бирлаштириш орқали мувофиқлаштирилади, бунда маълумот асосини акс эттирувчи асосий лисоний бирликни излаш муҳим аҳамият касб этади” дейди. Шунингдек, эвиденциалликда феъл бирлик формасида келган бўлиб, сўзловчига нисбатан граммемалардан ташкил топган парадоксик бирлашмани ҳосил қилади. Эвиденциаллик категорияси *direct* (тўғридан-тўғри) ҳамда *indirect* (кўчма) қабул қилиш каби парадокслардан ташкил топган бўлади. Парадокс — эндофорик маркерлар ва иштирокчилардан ташқари маълумотнинг қўшимча хусусиятлари билан бирга айрим ҳолатларда махсус ишлатилишидир. Агар сўзловчи маълум ҳолатнинг субъекти сифатида иштирок этса, унда бу *direct* (тўғридан-тўғри) эвиденциаллик ҳисобланади (15, 371).

Эвиденциаллик бу ташқи дунёдан олинган субъект ҳақида онгда пайдо бўлган маълумот манбаси бўлганлиги боис, у когнитив аҳамиятга эга ҳисобланади (2, 273).

Мазкур ҳолат эвиденциалликнинг асосий маркерларини аниқлаш талабини қўяди. Зеро, биз маркерларнинг кўп қисмини *direct* эвиденциалликда ишлатамиз. Ҳар қандай лисоний ҳодиса ёки категория ўзига хос маркерларга ҳамда ифода воситаларига эга. Хусусан, тилшуносликда маркер атамаси эркин ёки боғланган морфема бўлиб, у *gap*, *фраза* ёки маълум сўзнинг *грамматик функция*сини бажариш учун қўлланилади. *Маркерлар* оғзаки ва ёзма нутқда кўпинча *клитикалар*, *аффикслар* ва *қўшимчалар* кўринишида учрайди. Европа тилшунослари уларни уч гуруҳга ажратадилар: 1) эвиденциал; 2) грамматик; 3) прагматик (6, 277).

Эвиденциал маркерлар муайян темпорал ориентацияга қаратилган бўлади. Чунки айтилган гапнинг бирор-бир субъект томонидан қабул қилиниши унинг аҳамиятли томони ҳисобланади. Масалан,

It reportedly snowed near Cairo last year.

It will reportedly snow near Cairo tomorrow“ (16, 31).

Юқорида мисол тариқасида келтирилган ҳар иккала гапда *reportedly* (*айтишларича*) равиши бирдек қўлланилган. Аммо мазкур равиш замон

билан боғлиқ ҳодисадан кўра маълумотнинг манба кўрсаткичи вазифасини бажарган. Маълумотнинг эвиденциал ифодаси феъл орқали амалга оширилган. Ушбу гаплардаги пайт равишлари маълумотнинг вақтига ишора қилади. Таъкидлаш жоизки, эвиденциал маркерли таҳлилда гапнинг лексик ҳамда синтактик семалари мавжуд бўлишига қарамасдан, инглиз тилида сўзловчи етказётган маълумот манбасини шифрлаб ёки деталлаб етказиши шарт эмас. Чунки улар гапнинг бошида айтмоқчи бўлган маълумотнинг гувоҳи сифатида қаралади. Мисол учун, *Jane came home (I saw)*. Бунда Жейнни уйга келгани маълумот етказувчи томонидан гувоҳлик сифатида фарз қилинади. Мазкур ҳолатда маълумот етказувчи субъект визуал жиҳатдан гувоҳ бўлган "*Jane came home, I saw*" ёки эшик очилганини эшитган *Jane came home (I heard the noise)*. Эҳтимол, бошқа манбалар орқали маълумот олган, чунки кимдир унга у ҳақида айтган бўлиши ҳам мумкин *I heard Jane came home (they told me)*. Бундан ташқари, муаллифнинг тахмини назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, *Jane came home (I assume)* (6, 277). Қўшимча лисоний воситалар эвиденциаллик даражасини гапда таъкидлаши мумкин *Jane apparently came home (evidence)*. Ушбу мисолдаги *apparently* равиши эвиденциалликка қўшимча далил вазифасини ўтовчи лексик восита ҳисобланади. Худди шундай таҳлил ўзбек тилига ҳам хос жиҳат дея баҳоланиши мумкин. Ўзбек тилида ҳам сезги гуруҳига оид феъллар муайян маънода эвиденциал хусусиятга эга. Замон грамматик маъносини ифодаловчи аффикслар (-*ми*, -*ди*, -*анди*, -*янди*, -*аётир*, -*ганди*, -*канди*, -*қанди* -*моқчи*) эвиденциал воқеланишни даражалаш учун хизмат қилади.

Аналитик ҳамда агглютинатив тилларда эвиденциал маркерларни аниқлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Аксинча полисинтетик тилларда уларни ажратиш олиш бироз мушкул. Мазкур тилларда сўзлашув жараёнида эвиденциал маркерлар эҳтиёжни ифодаловчи тил белгиси сифатида қўлланилади. Жумладан, Амазонка давлатидаги туюка тилида контекстнинг охирида келган сиффикс гап семасини ўзгартира олади. Одатда маълум сўзнинг охирида келган суффикс якка ҳолда қўлланганида, ҳеч қандай маънони англамайди, бироқ феъл билан бирлашиб келганида бутун бошли контекстни ўзгартириб юбора олиш хусусиятига эга бўлади. Мисол учун, инглиз тилидаги *He's chopping trees* гапи тўлиқ маълумот тарзида берилади (5, 278).

Ўзбек тилида ҳам *У дарахтларни чопяпти* гапи тугал маълумот ҳисобланади. Бироқ туюка тилида *Kiti-gi-ti* ўзидан кейин маълум суффиксни талаб қилади. Чунки у ҳеч қандай грамматик маъно англамайди. Мисол учун *Kiti-gi-ti-i* контекстининг охирида келган суффикс гапни тугалланган маънога айлантиради. Ушбу гап инглиз тилида *He's chopping trees I saw* деган таржимани беради. Ёки туюка тилидаги *Kiti-gi-ti-gi* инглиз тилига *He'd chopping trees I heard* дея таржима қилинади. Аҳамиятли томони шундаки, -*gi* ҳамда -*i* суффикслари якка ҳолда келганида, ҳеч қандай маъно англамайди (5, 279).

Эвиденциал маркерларни аниқлашнинг яна бошқа бир йўли уни замон шакллари орқали аниқлашда. Чунончи, инглиз тилидаги *I have heard the news* билан *I heard the news* контекстлари тугаган иш-ҳаракатни ифодалагани боис, улар аксарият тилларда бир хил замонни ифодалайди. Чунки ҳар иккала гап амалга оширилган воқелик борасидаги маълумотга эга. Юқоридаги гаплардаги маълумотни вақт ўлчамида фарқланиши фақатгина инглиз тили соҳибларигагина тушунарли. Хусусан, перфект шакл маълумотни мулоқот вақти билан ёки мулоқот кечиши билан алоқадорлик хусусияти мавжудлигига қараб, сўзловчи эвиденциалликнинг даражасини

юкори баҳолаши мумкин. Шунинг учун, бошқа тил соҳибларига улар ўртасидаги фарқни ажратиб бериш бироз мушкул ҳисобланади (5, 280).

Эвиденциал маркерлар маълумотни аниқловчи хусусиятга эга бўлиб, улар турли лингвистик категорияларга тегишли бўлади. Масалан, фикр ҳамда гувоҳлик орасидаги тафовутни таҳлил қилиб кўрамиз. Эвиденциал маркерлар ҳисоботни (*according to, reportedly*) каби равишлар, муҳим бўлмаган гувоҳликни (*apparently, appear, clearly, evidently, obviously, seem, sound*) каби равишлар, когнитив жараёни (*believe, know, remember, suppose, think, consider*), яъни маълум далилга доир хулосанинг онгда пайдо бўлишини ёки сезгилар орқали қабул қилинган хатти-ҳаракат (*look, see, watch, hear, make out*)ларни билдириши мумкин. Баъзан *because* боғловчиси айрим информатив контекстларда фикр ва гувоҳлик ўртасидаги фарқлаш таҳлилида муҳим ўрин тутди (8, 219).

Эвиденциал маркерларни рус олимаси А.Айхенвальд тукуно оиласига мансуб бўлган тилни инглиз тили билан қиёслаб, сўзловчининг бераётган маълумотида асосланган ҳолда содда контекстни тўрт конструкция орқали ёритиб беради. Қуйида ана шу конструкцияларни кўриш мумкин:

- a) *Diayi wa 'i-re yaha-ami* — *The dog stole the fish (I saw it).*
- b) *Diayi wa 'i-re yaha-asi* — *The dog stole the fish (I heard the noise).*
- c) *Diayi wa 'i-re yaha-api* — *The dog stole the fish (I suppose).*
- d) *Diayi wa 'i-re yaha-api* — *The dog stole the fish (They told me)* (2, 52).

Муаллифнинг таъкидлашича, ушбу мисоллар одатий содда гап тарзида берилган. Мазкур гапларнинг барчаси инглиз тилида бир хил маънога эга.

Аммо тукуно тилидаги *-asi, -api* суффиксларида *-ami* суффиксига нисбатан эвиденциаллик семантикаси кучлироқ ҳисобланади, яъни маълумот етказувчи шахс аниқроқ маълумотга эга эканлиги яққол кўзга ташланади. Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, дунёнинг айрим тилларида эвиденциаллик ўзининг алоҳида грамматик маркерларига эга. Шунинг учун ҳам эвиденциалликни аниқлашда грамматик маркерлар муҳим ўрин тутди.

Инглиз тилида грамматик маркер тушунчаси уни бошқа тиллардан фарқлаб турувчи хусусият ҳисобланиб, улар оғзаки ва ёзма нутқда етказилаётган маълумотнинг муҳим бўлаги сифатида хизмат қилади. Инглиз тилида грамматик маркерлар (*-s, -es, -ing, -d, -ed, will*) каби замон ва аспект суффикслари ҳамда (*can't, ain't, didn't*) каби инкор кўмакчилари билан ифодаланади. Мазкур маркерлар аспект ҳамда замон кўрсаткичлари бўлиш билан бир қаторда феъллар гуруҳи англатаётган эвиденциал ҳодисаларнинг шакллари сифатида ҳам тан олинади. Чунки ушбу замон ва аспект қўшимчалари маълумотнинг вақти ҳамда кечиш жараёнини ёритиш учун хизмат қилади. Инглиз тилида грамматик эвиденциаллик бўлмиш тўлиқ ривожланувчи лексик бирликлар эътиборга олинади.

Худди шундай маркерлар ўзбек тилида *эшит(ди), эшит(япти), эшит(моқчи), эшит(ган), эшит(ади), эшит(ганмиш)* (11, 19) каби суффикслари орқали эвиденциалликнинг грамматик маркерлари сирасига киритилади.

Шунингдек, грамматик маркер таҳлилида майл, замон, нисбат, шахс-сон категориялари ҳам таҳлил қилиниши мумкин. Одатда боғловчилар бир эмас, икки ёки ундан ортиқ маркерни ифодалаганлиги сабабли контекстда юзага келиш борасида қўшимча изоҳ ёки вазифани бажаради. Бу эса эвиденциалликнинг прагматик воситалари билан узвий боғлиқлигидан дарак беради. Қуйидаги мисолга эътибор қаратамиз:

Every applicant got reply from Peters and Tucker informing them that the widow had been deeply impressed by his straightforward and interesting letter

and requesting them to write again; stating more particular; and enclosing photograph if convenient (O'Henry).

Ушбу мисолда *get (got)* идоралаган маълумот сўзловчи томонидан эвиденциал ҳодиса сифатида ифодаланган. Юқорида феъл иштирок этган бош гап кейинги эргаш гаплар англатган мазмунга референс вазифасини ўтаб келган. Бундан кўриниб турибдики, прагматик матнлар лингвистик ифоданинг функционал таркиби сифатида амал қилинган, етказилган маълумотнинг мазмунини типик равишда ўзгартирмайди.

Асосий қисм. Немис олими Ф. Хаан эвиденциаллик ҳодисасини тўрт гуруҳга бўлиб ўранишни таклиф қилган: 1) *experienced* 2) *reportative* 3) *inferential* 4) *hearsay* (8, 139).

Инглиз олими Т. Виллет эса эвиденциалликни уч гуруҳга ажратади:

Direct/attested:

- visual
- auditory
- other sensory

Indirect/infering:

- results
- reasoning

Indirect/ Reported:

- second hand/third hand/ folklore (17, 58).

Австриялик тилшунос А. Айхенвалд эса эвиденциал таҳлилни куйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни таклиф этган:

— *Witness vs. Nonwitness* (гувоҳи бўлганлик ёки бўлмаганлик)

— *Firsthand vs. secondhand vs. Thirdhand* (биринчи одам унга қарама-қарши 2 ва 3-одам)

— *Sensory* (сезгилар орқали)

— *Visual vs. nonvisual* (кўриш ёки кўрмай туриб) (*i.e. auditory, olfactory, etc.*) (тинглаш, ҳид билиш)

— *Inferential* (хулосавий)

— *Reportative* (хабар берувчи)

— *Hearsay* (эшитиш)

— *Quotative* (қўчирма гап орқали)

— *Assumed* (тахмин қилиш орқали) (2, 178).

А.Александра эвиденциалликни айнан мана шу гуруҳларга бўлиш орқали таҳлил қилиш мумкин, дея ҳисоблайди ва уларнинг ҳар бирига куйидагича изоҳ беради:

Гувоҳий эвиденциаллик маълумот манбасини нотикнинг бевосита кузатуви натижасида олинганини англатади. Одатда бу кўз орқали кўриш ёки кузатиш асосида амалга оширилади. Бирор воқеа-ҳодисанинг гувоҳи бўлиш ёки бўлмаслик (яъни ўз кўзи билан кўрмасдан, бошқа бирор одамдан эшитиши) бир-бири билан контраст ҳосил қилади ва таққосланади.

Иккинчи одам эвиденциаллиги сўзловчи томонидан шахсан кузатилмаган ёки бошдан кечирилмаган ҳар қандай маълумотни белгилаш учун ишлатилади. Бу эса хулоса қилинган ёки хабар берилган маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу турдаги эвиденциаллик бошқа турдаги эвиденциалликка зид бўлиши мумкин. Европа олимлари “аксарият агглютинатив тилларда иккинчи ва учинчи одамнинг фикри биринчи маълумот манбасидан фарқ қилиши кузатилган”, дея фикр юритадилар.

Сезги эвиденциаллиги ҳар хил турларга бўлиниши мумкин. Айрим тилларда визуал эвиденциаллик *эшитиш*, *ҳидлаш* ёки *ҳис қилиш* билан боғлиқ бўлмаган далиллардан фарқ қилади. Масалан, Кашая тилида аудиторний (эшитиш эвиденциаллиги) бошқа эвиденциалликлардан алоҳида ҳолда ўрганилади.

Хулосавий эвиденциаллик маълумотларнинг шахсан тажрибага эга бўлмаганлигини, аммо билвосита далиллардан олинганини кўрсатади.

Эвиденциалликка оид маълумотларда прагматик маркерлар маълумотнинг ишончилигини таъминлаш учун хизмат қилади ҳамда қўшимча маълумотлар етказиши. Бунда асос бир томонлама субъектнинг шахсий кузатиши, яъни бевосита гувоҳлик беришини амалга ошириб, бирор кимсанинг маълум объектни ёки воқеликни сезги органлари орқали ҳис қилиши назарда тутилади. Иккинчи томондан эса маълумот асоси умуман бошқа манбага тегишли бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда эвиденциаллик ҳодисаси билвосита тарзда намоён бўлади. Бундай ҳолатда етказилаётган маълумот *эшитиши, тинглаши* ёки *ўқиши* орқали юзага келса, унда бир нечта сезгилар *кўриши, эшитиши, ҳис қилиши, ҳид билиши* ва *таъм билиши* иштирок этиши кузатилади. Мазкур ҳодисалар маълум лисоний бирликлар ёрдамида ифодаланади, масалан феъл категорияси доирасида таҳлил қилиниши мумкин. Эвиденциал маълумотларни лисоний воқеланишини таъминловчи феъллардан бири инглиз тилидаги *hear* ҳамда ўзбек тилидаги *эшитмоқ* феъллари саналади. Вебстер луғатида мазкур феълнинг 6 та асосий ҳамда *hearing/hearer/hear-say* каби вариантлари берилган бўлиб, унинг асосий маъноси қуйидагича таърифланган.

- 1: *to be aware of sound through the ear,*
- 2: *to listen to someone or something,*
- 3: *to be told something,*
- 4: *to give attention to someone or something,*
- 5: *to listen to and make a judgment about a court case,*
- 6: *sense through which a person or animal is aware of sound* (14, 763).

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида *эшитмоқ* феълнинг бир қатор маънолари берилган. Жумладан,

1. *Товушни эшитиши аъзоси орқали қабул қилмоқ; қулогига кирмоқ, чалинмоқ.*
2. *Одам ва ҳайвонларнинг эшитув аъзоси ва эшитув анализатори орқали товуш тўлқинларини қабул қилиш хусусияти.*
3. *Диққат-эътибор билан маъно, мазмунни ҳам англаш, ўзлаштириши мақсадида қулоқ бермоқ, тингламоқ.*
4. *Хабар топмоқ, хабардор бўлмоқ, эшитиб билмоқ.*
5. *Гап эшитмоқ сўкиш, қарғиш ва шу кабилар мазмундаги танбеҳ олмоқ* (18, 68).

Мазкур маъно фақат ўзбек тилида бўёқдорликни ҳосил қилгани ҳолда кўчма маънода ишлатилган, инглиз тилида эса *hear* феъли кўчма маънода умуман қўлланилмайди. Ўзбек тилида *эшитмоқ* феълнинг қуйидаги манодошлари мавжуд: *қулоқ солмоқ, тингламоқ, диққат қилмоқ, қулогига илиб олмоқ, қулогига чалинмоқ, бутун вужуди билан эшитмоқ, гап пойламоқ, англамоқ, қулоқ бермоқ, эшитиб қолмоқ, фаҳламоқ.*

Инглиз тилида эса *hear* феълнинг синонимлари сифатида *hark, hearken, listen, attend, pay attention to, learn, pick up, get, perceive, catch, take in, apprehend, overhear, discern, heed, eavesdrop, understand* ҳамда *percept* сўзларини келтириш мумкин.

Hear феълнинг грамматик маркерлари бадий адабиётлардан олинган мисоллар орқали таҳлил қилинди.

1. *It had started the night before when he had wakened and heard the lion roaring somewhere up along the river* (Ernest Hemingway, *The Short Happy Life of Francis Macomber*).

Ушбу гапда *hear* феъли -d суффиксли маркерни олгани ҳолда ўтган замонни яшаш билан бирга пассив ҳамда indirect эвиденциалликни ҳосил

қилмоқда. Чунки унда сўзловчи шерни дарёнинг нариги томонидан туриб ўқирганини эшитгани ҳақида бошқага етказмоқда.

2. *He could hear his wife breathing quietly, asleep (Ernest Hemingway, The Short Happy Life of Francis Macomber).*

Мазкур гапда *hear* феъли модалли бирикма ҳосил қилган бўлиб, маълум фактга доир эвиденциалликни ўтган замонда ифодаламоқда. Лекин одатда модал сўзлар маркерлар сирасига кирмайди. Шунинг учун мазкур гап эвиденциалликнинг эпистемик модаллик категориясига мисол бўла олади. Бу гап иккинчи одам эвиденциаллигига мисол бўлмоқда.

3. *Hearing Ripley's step on the porch, she rose hastily, and drying her eyes, plunged at the work again (Hamlin Garland, Mrs. Ripley's trip).*

Келтирилган гапда *hear* феъли *-ing* суффиксли маркерни олган ҳолда сифатдош шаклида қўлланилган. Мазкур гап *direct* (яъни тўғридан-тўғри) ҳамда гувоҳий эвиденциалликка мисол бўлади, чунки сўзловчи айнан ўз кўзи билан кўрган воқеани тасвирламоқда.

4. *So this was how you died, in whispers that you didn't hear (Ernest Hemingway. The Snows of Kilimanjaro).*

Ушбу гапда *hear* феъли ўтган замондаги инкор маънони ясовчи кўмакчи маркер билан қўлланилган. Ўзбек тилида *эшитмоқ* феълининг инкор шакли мазкур феълнинг ўзи билан *эшитмадим* дея туб сўз сифатида олинади.

Мазкур гап (*reportative*) хабар берувчи эвиденциалликка мисол бўлади, дея айта оламиз.

6. *There was no one to tell he was afraid, nor to be afraid with him, and lying alone, he didn't know the Somali proverb that says a brave man is always frightened three times by a lion; when he first sees his track, when he first hears him roar and when he first confronts him (Ernest Hemingway. The short happy life of Francis Macomber).*

Мазкур гапда *hear* феъли *-s* қўшимчали грамматик маркер билан ишлатилгани ҳолда ҳозирги оддий замонни ифодалаган ҳолда иккинчи одам эвиденциаллигига мисол бўлмоқда. Бунда маълумот бошқа одам томонидан етказилмоқда.

7. *One night last week, when I left my room to get myself a glass of water, I overheard Cathy talking to Damien, her boyfriend, in the living room (Paula Hawkins, The girl on the train).*

Ушбу гапда *hear* феъли ўзидан олдин *over* предлогини ҳамда ўзидан кейин *-d* суффиксли маркерни олгани ҳолда, ўтган замонни ифодалаган ҳолда (*hearsay*) эшитиш эвиденциаллигига мисол бўлади. Чунки мазкур ҳолатда субъект маълум объект ҳақида ўз фикрини бошқага етказмоқда.

Ўзбек тили инглиз тилига қараганда грамматик маркерларга бойроқ ҳисобланади. Фикримизнинг исботи сифатида бадий асарлардаги намуналарни таҳлил қилиб кўрамиз.

1. *Ҳикояни эшитиш асноси имомда бир гижиниш вазияти бор эди (А. Қодирий, Мехробдан чаён).*

Ушбу гапда эшитиш феъли *-иш* суффиксли маркерни олган ҳолда ҳозирги замон ҳаракат номини ифодаламоқда, лекин одатда ўзбек тилида мазкур маркер от ясовчи қўшимча сифатида қаралади. Бу гап гувоҳий эвиденциалликка мисол бўлади, чунки сўзловчи воқеани бошқага етказаётганлиги тўғрисида эвиденциал маълумот бермоқда.

2. *Отнинг кишиганини эшитди. Саодатхоннинг оёқ шарпасини эшитиб, секин кўз-ларини юмди (С. Зуннунова, Янги директор).*

Берилган гапда *-ди* суффиксли маркер яқин ўтган замонни ифодалаган ҳолда

Иккинчи одам эвиденциаллигига мисол бўлмоқда, бунда муаллиф отнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотга эга бўлди.

3. *Отасининг хуррагини эшитиб, кўнгли равшан тортди* (М. Исмоилий, Фарғона тонг отгунча).

Мазкур гапда эшитиш сезгиси *-иб* маркери орқали феълнинг равишдош шаклини ясаган ҳолда (witness) гувоҳи бўлган эвиденциалликка мисол бўлмоқда. Бунда сўзловчи объектни ўз қулоғи билан эшитган.

4. *У Меъморнинг гапларини эътироз билдирмай эшитар, бош қимирлатиб тасдиқларди* (Мирмуҳсин, Меъмор).

Ушбу гапда *-ар* маркери ўтган замон давом феъли шаклида қўлланган бўлиб, (reportative) хабар берувчи эвиденциалликка мисол бўлади. Мазкур гапда сўзловчи бошқа одам ҳақида маълумот бермоқда.

5. *Қилар ишни қилган писмиқ-ку, мана энди мен гап эшитяпман* (Э. Раимов, Ажаб кишлок).

Юқоридаги гапда эшитмоқ сезгиси ҳозирги замон давом феълида қўлланилган. Барча тиллардаги каби ўзбек тилида ҳам *-анти*, *-япти*, *-апман*, *-япман* суффиксли маркерлар ҳозирги давомли замонни ясайди. Мазкур гап (inferential) ҳулосавий эвиденциалликка мисол бўлади. Чунки сўзловчи муайян воқеа ҳақида ўз ҳулосасини бермоқда.

6. *Ўз умримда кўп одамларни кўрганман, кўпларнинг саргузаштларини эшитганман* (С. Аҳмад, Юлдуз).

Мазкур гапда *-ган* маркери узоқ ўтган замонни ифодалаган ҳолда гувоҳий эвиденциалликка мисол бўлмоқда. Чунки унда сўзловчи ҳам ўз кўзи билан кўрган, ҳам ўз қулоғи билан эшитган нарсалари ҳақида фикр бермоқда.

7. *Достон битибди, деб эшитдик, ога. Қачон ўқийсиз?* (С. Сиёев, Ёруғлик)

Ушбу гапда эшитмоқ феълига бирикиб келган *-дик* маркери яқин ўтган замонни ифодалаган ҳолда (nonwitness) гувоҳи бўлмаган эвиденциалликка мисол бўлади, чунки унда субъект маълум воқеа-ҳодисани ўзгалардан эшитган.

7. *Каттакон деразанинг чап томонидаги каравотдан заиф, йўқ заиф эмас овоз эшитилди* (А.Қаҳҳор).

8. *Бу гапни Додҳо эшитиб қолди. Унинг нафсонияти қўзғади.* (А. Қаҳҳор, Даҳшат)

Юқоридаги гапларнинг ҳар иккиси эшитиш ҳаракати орқали юзага келган hearsay эвиденциалликка мисол бўлади. Биринчи гапда эшитмоқ сезгиси *-илди* маркерини олгани ҳолда ўтган замон мажхул нисбатни намоён қилган бўлса, иккинчи гапда *-иб* суффикси равишдош ясовчи маркер ҳамда *-ди* ўтган замонни ясовчи маркер орқали ифодаланган.

9. *Болалар учун эшиттириши. Эшиттиришлар дастури. Бугунги эшиттиришимиз тамом бўлди.*

Ушбу гапда эшитмоқ феъли *-тир* орттирма нисбат ҳамда *-риш* маркери ёрдамида феълнинг ҳаракат номини ҳосил қилгани ҳолда хабар берувчи эвиденциалликка мисол бўлади, дея айта оламиз.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, юқорида келтирилган ҳар иккала тил мисолларида биз нафақат эвиденциаллик тушунчасини, балки эвиденциал маркерларни ҳам таҳлил қилиб кўрдик. Таъкидлаш жоизки, эвиденциаллик тушунчаси миративлик, когнитивлик, эпистемик модаллик, прагматика, аспектualлик каби лингвистик атамалар билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Зеро, уларнинг барчаси инсон онги, идроки ва сезгиси орқали қабул қилинади. Сезги феълларини ана шу терминлар орқали таҳлил қилиш биз тадқиқотчиларнинг олий мақсадимиз, чунки бу орқали инглиз ва ўзбек тилшунослигига илмий янгилик киритамиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Adrienne H., *Relative Evidentiality in European Languages: Linguistic coding and its anthropological background*, 2010, 368 p.
2. Aikhenwald Y. A., *Evidentiality*. Oxford University Press, 2004, 481 p.
3. Anderson L.B., *Evidentials, paths of change and mental maps: Typologically regular asymmetries*, Norwood, 1986, 373 p.
4. Bert C., *Evidentiality and epistemic modality. On close relationship between two categories. Functions of language*, 2004, 168 p.
5. Chafe W., Johanna N., *Evidentiality in English conversation and academic writing*, 1986, pp. 261-272.
6. Diewald G., Elena S., *Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages*, Berlin - Germany 2010, 378 p.
7. Faller M., *Propositional and illocutionary-level evidentiality in Cuzco Quechua, the mirative and evidentiality*, 2001, *Journal of Pragmatics*, No. 33, pp. 369–382.
8. Haan F., *Semantic Distinctions of evidentiality*, Privacy Policy Disclaimer, 1999, 413 p.
9. Johanson L., Utas B., *Evidentials: Turkic, Iranian and neighbouring languages*. Berlin-Germany, 2000, 28 p.
10. John H.W., *Linguistic simplicity and complexity*. Stanford university, 2011, pp. 319-325.
11. Ҳожиёв А. Фёъл. – Тошкент, 1973. – 192 б.
12. Langacker R.W., *Cognitive Grammar*. Oxford: Oxford University Press, 2008, p 571.
13. Lionnet F., *Evidentiality and modality in Laal reported speech*, Australian National University, Canberra, 2017, 82 p.
14. Merriam-Webster Advanced Learner's English dictionary. Springfield Massachusetts, USA, 2008, 2032 p.
15. Plungian V., *The place of evidentiality within the universal grammatical space*, 2001, 371 p.
16. Sarah E.M., *The semantics of Evidentials*, Great Clarendon Street Oxford, UK, 2017, 191 p.
17. Willet T., *A Cross Linguistic Survey of the Grammaticization of Evidentiality*, 1988, Volume 12:1, pp. 51-97.
18. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5-жилд. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. — 628 б.

References

1. Adrienne H., *Relative Evidentiality in European Languages: Linguistic coding and its anthropological background*, 2010, 368 p.
2. Aikhenwald Y. A., *Evidentiality*. Oxford University Press, 2004, 481 p.
3. Anderson L.B., *Evidentials, paths of change and mental maps: Typologically regular asymmetries*, Norwood, 1986, 373 p.
4. Bert C., *Evidentiality and epistemic modality. On close relationship between two categories. Functions of language*, 2004, 168 p.
5. Chafe W., Johanna N., *Evidentiality in English conversation and academic writing*, 1986, pp. 261-272.
6. Diewald G., Elena S., *Linguistic Realization of Evidentiality in European Languages*, Berlin - Germany 2010, 378 p.
7. Faller M., *Propositional and illocutionary-level evidentiality in Cuzco Quechua, the mirative and evidentiality*, 2001, *Journal of Pragmatics*, No. 33, pp. 369–382.

8. Haan F., *Semantic Distinctions of evidentiality*, Privacy Policy Disclaimer, 1999, 413 p.
9. Johanson L., Utas B., *Evidentials: Turkic, Iranian and neighbouring languages*. Berlin-Germany, 2000, 28 p.
10. John H.W., *Linguistic simplicity and complexity*. Stanford university, 2011, pp. 319-325.
11. Khojiyev A., *The verb*, Tashkent 1973, 192 p.
12. Langacker R.W., *Cognitive Grammar*. Oxford: Oxford University Press, 2008, 571 p.
13. Lionnet F., *Evidentiality and modality in Laal reported speech*, Australian National University, Canberra, 2017, 82 p.
14. *Merriam-Webster Advanced Learner's English dictionary*. Springfield Massachusetts, USA, 2008, 2032 p.
15. Plungian V., *The place of evidentiality within the universal grammatical space*, 2001, 371 p.
16. Sarah E.M., *The semantics of Evidentials*, Great Clarendon Street Oxford, UK, 2017, 191 p.
17. Willet T., *A Cross Linguistic Survey of the Grammaticization of Evidentiality*, 1988, Volume 12:1, pp. 51-97.
18. *Annotated Dictionary of the Uzbek Language*, State Scientific Publishing House, National Encyclopedia of Uzbekistan, 2006, Vol. 5, 628 p.